КУТУБХОНАСИ

*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

O'zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,

**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2012 йил 8 март, пайшанба
**10-(434)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН 4 ТРИЛЛИОН 400 МИЛЛИАРД СЎМ ВА 370 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

03 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ СИЁСИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

04 СИЁСИЙ ТАЪЛИМ



2011 ЙИЛДА БАНК ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН 18 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ БЕРИЛДИ

06 ИСЛОҲОТ

Парламентда

## ЯНГИ ҚОНУН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА «СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Фракция аъзоларининг фикрича, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси нобанк молия секторини янада ривожлантиришга, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

2►►

**Биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, муҳтарама аёлларимизни бундан буён ҳам ўзимнинг энг яқин маслакдошим, таянчим ва суянчим, деб биламан.**

**Ислом КАРИМОВ.**





# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Муҳтарама онахонлар!**
**Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!**

**Гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизғин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.**

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётий фалсафа мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси аввало оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Шу боис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни — меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳамиша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Азиз опа-сингиллар!**

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чиқишларимда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она диёримизда яшаётган барча аёлларни дунёдаги энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб, Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўғлонларининг фикри сифатида, аёл зотига бўлган ҳурмат-эҳтиром ва севги изҳори сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнаткашлик ва шукроналик, чидам ва сабр-бардош каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, эл-юртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапиришга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

2►►

Аёллар қаноти

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

O'ZLIDEP ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДА «ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ҚИШЛОҚДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Унда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан барқарор ривожланишига кўмак бериш ҳамда қишлоқ хўжалигига янги технологияларни жорий этишда партия фаолларининг иштироки масаласи муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, Фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари, фермер аёллар ва маҳалла фаоллари иштирок этган тадбирда таъкидланишича, бугун Тошкент вилоятида жами 6051 та фермер хўжалиги бўлиб, ўтган йили пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган бир қатор фермер хўжаликлари белгиланган режаларни бажара олмаганлар.

4►►

Ислоҳот

# Кўппартиявийлик тамойили

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ СОҲАНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, КЎППАРТИЯВИЙЛИК МУҲИТИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ҲАМДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛГАНИ БУГУНГА КЕЛИБ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ТОМОНИДАН ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Ушбу жараённи қиёсан таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимизга хос кўппартиявийлик тамойилига истиқлолнинг илк даврларидан асос солинганига амин бўламиз.

Шу ўринда кўппартиявийлик тамойилининг тўла намоён бўлиши, сиёсий партияларнинг мустақил ва эркин фаолият юритишлари учун барча ҳуқуқий асослар, моддий ва маънавий имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хўш, бугун "кўппартиявийлик" тушунчасининг мамлакатимизга хос хусусиятлари қай тарзда намоён бўлмоқда? Мавжуд шароитда мавжуд сиёсий партиялар, хусусан, O'zLiDeP зиммасида қандай масъулиятли вазифалар турибди, деган саволлар ҳар биримизни ушбу тамойилнинг маъно ва мазмунини янада чуқурроқ англаш, бу соҳадаги ислоҳотларнинг моҳиятини давр талаблари асосида идрок этишимизда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Маълумки, "кўппартиявийлик" тушунчаси бир мамлакат ҳудудида икки ёки ундан ортиқ сиёсий партиянинг мавжуд бўлиши, уларнинг қонуний фаолият олиб бориши ва ҳокимият учун курашда иштирок этишидан иборат сиёсий ҳолат ва жараённи ифодалайди. У ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва барқарор ривожлантириш, халқ ҳокимиятчилигини ташкил этиш ва такомиллаштириш, давлат сиёсатини амалга оширишда халқ хоҳиш ва иродасини ифодалаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир.

Шу маънода Юртбошимизнинг қуйидаги фикрлари асл ҳаёт ҳақиқатини акс эттиради: "Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак.

3►►

# ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

ЮРТИМИЗДА БАҲОР НАФАСИ СЕЗИЛА БОШЛАГАН АЙНИ КЕЗЛАРДА ГЎЗАЛ АЁЛЛАРИМИЗ БАЙРАМИ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИНИНГ НИШОНЛАНИШИ ЎЗГАЧА МАЗМУН-МОҲИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БУ АЙЁМ, АЗИЗ АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИГА МОС РАВИШДА, КАТТА ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН КЕНГ НИШОНЛАНАДИ

Мустақиллик майдонида қад ростлаган ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи — Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

7 март куни хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар ушбу монумент пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуроний онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

2►►

## БУГУНГИ СОНДА:

ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНГА ЭЪТИБОРИ ҲАР ДОИМ ҲАМ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС. «ЮҚОРИ БЎҒИН»ДАГИ ПАРТИЯВИЙ ТАДБИРЛАР, ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛИКЛАР МОҲИЯТИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАЯНЧ БЎҒИНЛАРГА ЕТКАЗИЛМАЯПТИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, БПТЛАРНИНГ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ, КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ҲАМ ЕТАРЛИ ЭМАС. АГАР АНА ШУНДАЙ МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛСА, ФАОЛИЯТИМИЗ БИРМУНЧА ЯХШИЛАНГАН БЎЛАРДИ. 5►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 6 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ | 1960,81 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ | 2897,79 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 325,25 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 498,89 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 1832,19 |
| 1 Миср фунти | ▲ | 303,90 |
| 1 Исландия кронаси | ▼ | 14,53 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 1850,14 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 290,62 |
| 1 Малайзия ринггити | ▲ | 607,89 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 589,81 |
| 1 СДР | ▼ | 2830,33 |
| 1 Туркия лираси | ▼ | 1036,13 |
| 1 Швейцария франки | ▼ | 2004,15 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 2456,73 |
| 1 Жанубий Корея вони | ▲ | 16,38 |
| 1 Япония иенаси | ▼ | 224,34 |
| 1 Россия рубли | ▲ | 62,54 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 229,37 |

«XXI ASR»
2012 йил 8 март,
пайшанба,
10 (434)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



**МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ,** жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сиҳат-саломатлик, Баркамол авлод йиллари муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб, бозор ва дўконларимиз, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакки, аёлларимиз ўзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундалик ташвишларни енгил қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганида кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани айниқса эътиборлидир.

Юртимиздаги ҳар қайси ота-она, бутун халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама соғлом наслни вояга етказишда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани аҳолимизнинг, биринчи навбатда аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланиб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар негизида аввалambор сиз, жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг билим ва тажрибаси, машаққатли меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

**Ҳурматли ватандошлар!**

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони аввало оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилнинг юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион доллар миқдоридаги кенг кўламли маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунамиз. Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани ҳақиқатан ҳам мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган сиз, ҳурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Биз мустақил тараққиёт йилларида – тарихан қисқа бир даврда беқиёс ютуқ ва марраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими – юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, иқтисодиётимиз барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланиб бормоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, муҳтарама аёлларимизни бундан буён ҳам ўзимнинг энг яқин маслакдошим, таянчим ва суянчим, деб биламан.

**Қадрли опа-сингиллар!**

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# ОИЛА ЧИРОЙИ ВА ЧАРОҒБОНИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Анвар САМАДОВ,**
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг ижроси хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган "Соғлом она — соғлом бола" мақсадли дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар дунё ҳамжамиятида катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ҳам бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида ушбу байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўқувчи қизларга махсус спорт кийимлари топширилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир мамлакатимиздаги минг-минглаб қизларга муносиб байрам туҳфаси бўлди. Зеро, бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд бўлмаган, халқимизнинг бетимсол қадриятларига уйғун эзгу ва ноёб анъанадир.

Энг муҳими, бу хайрли иш қизларда спортга иштиёқни оширади. Бу келгусида спорт билан шуғулланувчилар сафининг янада кенгайишига, уларнинг соғлом, бақувват ва мустаҳкам иродали бўлишига ҳамда баркамол авлодларнинг дунёга келишига хизмат қилади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таълим муассасаларида ташкил этилаётган "Ораста қизлар" тўгараги ўқувчи ва талаба қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун шахсий масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, оғирини енгил қилиш йўлида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга биноан, жорий йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига аёлларимиз учун 240 мингта янги иш ўрни яратилади. Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уч минтақавий Бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилади, бизнес-форумлар, семинарлар ташкил этилади. Фертиль ёшдаги аёллар ва қизларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш қамрови янада кенгаяди.

— Ушбу байрам тадбирига йиғилган, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳар бир хотин-қизнинг юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — дейди Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Арофатхон Усмонова. — Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топгани, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Меҳриноз Аббосова, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳида Зоҳидова ва бошқалар хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бадиий, ҳунармандчилик ва касаначилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Парламентда

# Янги қонун суғурта бозорининг ривожланишига хизмат қилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄



**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

— Қонун лойиҳасига асосан амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шавкат Тешаев. — Жумладан, суғурта ташкилотлари томонидан суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш манбалари кенгайтирилмоқда. Яъни, бу тўловни суғурталовчининг бошқа маблағларидан тўлаш имкони ҳам яратилмоқда. Бундай қоидалар бир қатор Европа мамлакатлари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Суғурта ташкилотлари томонидан молиявий, суғурта ва бошқа ҳисоботларни ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизими орқали тақдим этиш тартибини жорий этиш ҳам қонуннинг 6-моддасида аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Бугунги кунда суғурта соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи суғурта бозорининг барча иштирокчилари тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса суғурта хизматлари бозорини тартибга солиш ва назорат қилишда маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам қонунга суғурта бозори профессионал иштирокчилари ўз номи ва жойлашган манзили ўзгарганлиги тўғрисида хабар бериши лозимлиги ҳақидаги норма киритилмоқда.

Маълумки, амалдаги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, суғурта ва қайта суғурта брокери қайта суғурта қилишнинг ҳар қандай тури бўйича ўз ваколатлари доирасида воситачилик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Аммо бу хизматга истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурта брокерларининг қайта суғурта қилиш шартномасини тузиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ, ишончли ҳамда холисона ахборотни мижозларнинг сўровига кўра тақдим этиш мажбурияти киритилмаган. Қолаверса, суғурта брокери фаолияти лицензияланадиган хизмат тури бўлганлиги сабабли суғурталовчиларга қўйилгани каби суғурта брокерларининг фирма номига ҳам "Фирма номлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ аниқ талаблар қўйилиши таклиф этилаяпти.

Шу ўринда амалдаги қонунда "Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган суғурталовчилар" тушунчаси қўлланилмагани ва мамлакатимизда суғурта фақат резидентлар томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, қонуннинг 22-моддасидан "Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган суғурта ташкилотлари" тушунчаси чиқариб ташланаётганини таъкидлаш мумкин. Бу ҳолат мазкур тушунчаларнинг бир хил қўлланилиши ва турлича талқин этилишининг олдини олиш имконини беради.

Фракция йиғилишида "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши кураш бўйича Ҳадли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур конвенция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ассамблеяси томонидан 2003 йилнинг 21 майида қабул қилинган ва 2005 йилнинг 27 февралида кучга кирган. Ҳозирда АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Россия, Германия, Франция, Буюк Британия, Дания, Финляндия, Италия ва Голландия сингари 174 та давлат томонидан ушбу конвенция ратификация қилинган.

— Мамлакатимизда тамаки истеъмолига қарши кураш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилган, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева. – Биз муҳокама қилаётган Ҳадли конвенциясининг кўплаб қоидалари "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида", "Реклама тўғрисида", «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларда, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳадли конвенциясига қўшилиши тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш, тамаки истеъмоли ва у билан боғлиқ касалликлар, ногиронлик, барвақт ўлимни камайтириш мақсадида самарали дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича янги технологиялар, илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича янги имкониятлар яратади.

Йиғилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилиниб, барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

# ХОРАЗМ БАРЧИНОЙЛАРИ ЎЗАРО БАҲСЛАШДИЛАР

**Урганч Давлат университети спорт мажуасида «Мустаҳкам оила йили» ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Хоразм вилояти ҳудудидаги таълим-тарбия ва маданият масканларида ишлаб келаётган хотин-қизлар ўртасида IX «Аёллар спартакиадаси» мусобақалари бўлиб ўтди.**

**Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий беллашувларда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 150 нафарга яқин аёл ўзаро баҳслашди.**

**— Стол тенниси, стритбол, югуриш ва узунликка сакраш бўйича ўтказилган қизиқарли мусобақалар якунига кўра, Хонқа, Қўшкўпир ва Шовот туманлари барчинойлари умумжамоа ҳисобида совринли ўринларни банд этдилар, — дейди мусобақа бош ҳаками, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг вилоят кенгаши раиси Б.Жуманиёзов. — «Хоразм лазгиси» танловида эса Хива туманидаги 20-меҳрибонлик уйи тарбиячиси У.Авазимметовага тенг келадиганлар топилмади.**

**Тадбир якунида мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.**

Ш.ХЎЖАЕВ тайёрлади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАР ХОҲИШ-ИРОДАСИ асосида ва сайловлар воситасида давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг муҳим воситаси, давлат ҳокимияти қабул қиладиган сиёсий қарорларни демократик легитимлаштириш, уларни жамият томонидан эътироф этилишини таъминланишга қобил бўлган институт сифатида олиб бораётган ишлари ҳам кўппартиявийлик ифодасидир.



«XXI ASR»
2012 йил 8 март,
пайшанба,
10 (434)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

# Кўппартиявийлик тамойили

(Биринчи мақола)

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Қиёмиддин НАЗАРОВ**



Чунки ҳаёт бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил этиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади. Бинобарин, иккита халқ, иккита давлат ҳам бир-биридан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб туради. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз ғояси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади".

Агар яқин тарихга назар ташласак, 1991 йил 14 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун мамлакатда кўппартиявийлик тизими шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаб, сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнларини бошлаб берганини кўрамиз.

1992 йилнинг декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу соҳада ҳам янада кенг имкониятлар яратди. Унинг 56-моддасига биноан, сиёсий партияларга «жамоат бирлашмалари сифатида»ги мақом берилди. Бош Қомусимизда ушбу қоиданинг белгиланиши сиёсий партиялар барча жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қатори фуқаролик жамияти институти эканини англатади.

Жамиятимизда кўппартиявийлик тизими такомилида 1996 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамиятига эга бўлди. Унга биноан, «давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларни бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради».

Маълумки, мустақиллик даврида ташкил топган биринчи сиёсий куч Ўзбекистон Халқ демократик партияси бўлиб, унга 1991 йилнинг 1 ноябрида асос солинди. 1995 йил 18 февралда «Адолат» социал-демократик партияси, 1995 йил 3 июнда эса «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топди.

2003 йил 15 ноябрдан мамлакатимиз сиёсий майдонида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз фаолиятини бошлади. Партия умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, бир сўз билан айтганда, ишбилармон ва тадбиркорларни ўзининг ижтимоий таянчи, деб эълон қилди.

Агар ХДП жамиятимизга кўпроқ жамоавийлик ва ижтимоий жиҳатлар устуворлиги хос, либерализм ғоялари ва шахс манфаатларини устун қўйиш бунга путур етказиши мумкин, бунда либерализм ва шахс эркинлиги индивидуализмга олиб бориши эҳтимоли бор, деб ҳисобласа, O`zLiDeP жамият ҳаётини либераллаштириш ва шахс эркинлиги ғояси ижтимоий манфаатларни бутунлай инкор этмайди ва муқаррар тарзда мутлақ индивидуализмга олиб бормайди, балки бу — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг манфаатларини таъминлашга кенг имконият яратади, деган қарашни ҳимоя қилади.

Шу билан бирга O`zLiDeP либерал ғоялар билан жамоавийлик ва ижтимоий ҳимоя тамойиллари зид, деб эмас, балки улар муайян жамият ҳаётининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари сифатида бир-бирини тақозо қилади, деган фикрга асосланади.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ШУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИКИ, АСЛ МАЪНОДАГИ КЎППАРТИЯВИЙЛИК СИЁСИЙ КУЧЛАРНИНГ ШАФҚАТСИЗ КУРАШИНИ, БИР-БИРИНИ АЁВСИЗ ҚОРАЛАШИНИ, ЯЪНИ ПАРТИЯЛАРНИНГ МУТЛАҚ ЗИДЛИК ҲОЛАТИНИ АНГЛАТМАЙДИ, БАЛКИ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ, ДАВЛАТ САРҲАДЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ, ХАЛҚ ТИНЧЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ҒОЯЛАРИГА ТАЯНАДИГАН СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИНИ ИФОДАЛАЙДИ.

Бунда ХДП кўпроқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига таянса, O`zLiDeP тадбиркорлар ва ишбилармонлар, яъни мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилади.

Партиявий ёндашувларнинг бундай ўзига хослиги нафақат ғоявий соҳада, балки иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларга нисбатан қарашларда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, "Миллий тикланиш"нинг иқтисодиёт соҳадаги стратегик мақсади аҳоли турмуш даражасини аниқ ва сезиларли оширишнинг асосий омили сифатида иқтисодий мустақиллик ва иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашдир.

"Адолат" социал-демократик партияси эса бу масалада иқтисодий соҳада партиянинг фаолияти ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини чуқурлаштиришга йўналтирилган бўлади, у аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари турмуши сифати ва даражасини оширишдаги иқтисодий ўсиш натижаларини адолатли акс эттириши лозим, деб ҳисоблайди.

"Миллий тикланиш" партияси ёндашувига кўра, давлат бошқарувининг мақсадлари мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, миллий бозорни ҳимоя қилиши лозим. Давлат бошқаруви маъмурий ва иқтисодий чоралардан фойдаланишни қўшиб олиб бориш билан амалга оширилади.

"Адолат" социал-демократик партияси эса ушбу масалада келгусида ҳам умумдавлат иқтисодий дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши жараёнида ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳалар ва дастурларнинг давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланиши тамойилининг сақлаб қолиниши тарафдоридир.

Мавжуд сиёсий партияларнинг ғоя ва дастурларидаги бундай ўзига хослик кўппартиявийликнинг мамлакатимизга хос хусусиятларини акс эттиради ва улар бир қатор йўналишларда намоён бўлмоқда.

Бу, аввало, жамиятимиз сиёсий тизими ва давлат ҳокимияти соҳасида сиёсий партияларнинг ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини ифодалаши, уларнинг мақсад-муддаоларини сиёсий тизимда ифода этиши ва давлат ҳокимияти органларига етказиши, яъни халқ ва давлат ўртасидаги воситачилик ролини адо этиши билан боғлиқ фаолиятида кўзга ташланади.

Сиёсий партияларнинг фуқаролар хоҳиш-иродаси асосида ва сайловлар воситасида давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг муҳим воситаси, давлат ҳокимияти қабул қиладиган сиёсий қарорларни демократик легитимлаштириш, уларни жамият томонидан эътироф этилишини таъминланишга қобил бўлган институт сифатида олиб бораётган ишлари ҳам кўппартиявийлик ифодасидир.

Шу билан бирга мамлакатимиздаги кўппартиявийлик сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва органлари фаолиятини назорат қилишни амалга оширувчи жамоатчилик институти ҳамда фуқаролар сиёсий онги ва сиёсий маданияти юксалиши учун ҳаракат қиладиган, уларни сиёсий жараёнларга сафарбар этилишини таъминлайдиган ташкилот сифатидаги фаолиятида кўпроқ намоён бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари орқали дастурий мақсадларини амалга ошириш учун парламент ва ҳукуматга таъсир кўрсата олиш қобилиятига эга бўлган ташкилот тарзидаги фаолияти ҳам кўппартиявийлик тамойилининг асосий кўрсаткичларидандир.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, асл маънодаги кўппартиявийлик сиёсий кучларнинг шафқатсиз курашини, бир-бирини аёвсиз қоралашини, яъни партияларнинг мутлақ зидлик ҳолатини англатмайди, балки миллий манфаатлар устуворлиги, давлат сарҳадлари дахлсизлиги, халқ тинчлиги ва фаровонлиги ғояларига таянадиган сиёсий ҳаётнинг ранг-баранглигини ифодалайди.

Сиёсий кучларнинг мутлақ зидлик ҳолати нафақат мамлакат имижи, миллий манфаатлар ва жамият барқарорлигига, балки партияларнинг обрў-эътибори ҳамда фуқаролар хавфсизлигига, яъни кўппартиявийликнинг асл қиёфасига, ушбу тамойилнинг ҳақиқий маъно-мазмунига ҳам путур етказади. Буни баъзи мамлакатлардаги сайлов жараёнларида рўй бераётган партияларaро кураш мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Кўплаб соҳаларда Ўзбекистонга ҳавасим келади — дейди Европарламентнинг венгриялик депутати Белла Ковач. — Президентингиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ва демократик ислоҳотлар юксак натижаларга олиб келмоқда. Мамлакатингизда кўппартиявийлик шаклланган, сиёсий партиялар камолга етиб, жамият ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Баъзида Ўзбекистоннинг бу борада тутган йўлини танқид қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Аксарият ҳолларда, бундай кишилар Ўзбекистонга бирор марта ҳам келмаган ёки унинг ўзига хос шарт-шароити, хусусиятларини билмайдиган, халқингиз танлаб олган миллий тараққиёт моделининг мазмун-моҳияти ва пировард мақсадларини тушунмайдиган ёхуд атайлаб тушунишни хоҳламайдиган кишилардир. Улар айнан ана шу йўл юртингизда демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини муваффақиятли шакллантиришга ёрдам бераётгани, бутун жаҳонда иқтисодий таназзул рўй бераётган, турли давлатларда фуқаролар норозилиги хилма-хил тарзда намоён бўлаётган бир шароитда, Ўзбекистон жамиятда ижтимоий ҳамкорлик ва тинч-тотувликни таъминлаш, халқнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг барқарор тараққий этишига эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлаётганини ҳисобга олмайдилар. Аслида эса бугунги Ўзбекистонда шаклланган кўппартиявийлик тамойиллари ва сиёсий партиялар орасидаги муносабатларнинг маърифий мезонлари демократик тараққиёт йўлини танлаган бошқа кўплаб мамлакатлар учун ҳам андоза бўлиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда тадрижий тарзда такомиллашган кўппартиявийлик тамойилининг айни пайтдаги сиёсий воқеликка хос ҳолати халқимиз ва жамиятимизга мос қиёфасини ҳам акс эттирмоқда. Зеро, бутун дунёда эътироф этилаётган тараққиёт моделининг ҳаётийлиги жамиятимизнинг барча соҳалари қатори сиёсий партиялар фаолияти ва партияларaро муносабат маданиятининг ўзига хос тамойил ва мезонлари шаклланишининг ҳам муҳим омилига айланди. Шу маънода кўппартиявийлик мамлакат сиёсий майдонидаги ғоялар, мафкуралар, фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини ҳам ўзида акс эттиради.

Депутат минбари

# Фаровон оиладан — мамлакат барқарорлигига

ХАЛҚИМИЗДА ОИЛА АЗАЛДАН МУҚАДДАС САНАЛИБ, УНГА ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ СИФАТИДА ҚАРАЛГАН. ШУ МАЪНОДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ БУГУН ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БЕЖИЗ МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛМАЯПТИ. ЗЕРО, УНДА АНА ШУ БИР НЕЧА АСРЛИК АНЪАНАЛАРИМИЗНИ НАФАҚАТ РИВОЖЛАНТИРИШ, БАЛКИ ОИЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ҲАМДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ ЕТУК БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ҚАМРАБ ОЛИНГАН. O`ZLIDEP ҲАМ ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ЙЎНАЛИШЛАР ДОИРАСИДА БИР ҚАТОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚМОҚДА. АЙНИ КУНДА ПАРТИЯНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ БЎҒИНЛАРИДА УШБУ МУҲИМ ҲУЖЖАТДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, АҲОЛИ ОРАСИДА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА



**Шоира ХАЙДАРОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Маълумки, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилди. Қонунчилигимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида аҳолининг турмуш даражаси сифатини бир неча баробар оширишга эришилди. Халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Натижада ўтган йигирма йиллик тараққиётимиз мобайнида юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этди. Шу давр оралиғида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробар кўпайди. Бу эса одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етишини таъминлади.

Давлатимиз раҳбарининг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорининг мазмун-моҳияти ҳам, энг аввало, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилгани юртимизда инсон қадр-қиммати олий қадрият эканининг яна бир тасдиғидир.



**Гулжан ХАЛМУРОТОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Ҳақиқатан ҳам, Давлат дастурида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, бу борада маҳалланинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, хотин-қизлар, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида урғу берилган. Давлат дастурини амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилаётгани эса кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалий самарасини таъминлашга асос бўлади, албатта.

Таъкидлаш жоизки, дастурда кўзда тутилган вазифалар нафақат ижро ҳокимияти органлари, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва улар мансуб бўлган сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди. Бунда парламент ислоҳотларнинг етакчи кучи сифатида дастур ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши лозим. Бир сўз билан айтганда, туб моҳияти мамлакатимиз фаровонлиги ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишимиз зарур.



**Барно АБДУЛЛАЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори, шубҳасиз, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада мукаммаллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Айни пайтда янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтиришимиз зарур. Шу боисдан ҳам Давлат дастурида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва соғлом муҳит яратишга қаратилган — «Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланмоқда.



**Клара ЖУМАМУРОТОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Бу жараёнда O`zLiDeP фракциясининг асосий эътибори дастурда белгиланган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири — «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашга қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилишга йўналтирилган. Бу O`zLiDeP дастурларига ҳамоҳанг бўлиб, ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқаролар бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Чунки лойиҳага асосан оилавий корхона камида икки кишининг иштирокида тузилиши, фаолият тури бўйича кичик корхона ва микрофирмалар учун татбиқ этиладиган қоидаларга мос келиши назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг жамият ҳаётига изчил татбиқ этилиши мамлакатни модернизациялаш, ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳалардан фойдаланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки оилалар мустаҳкамлиги, энг аввало, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигига, қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигига боғлиқ. Осуда юртда тадбиркорлик билан шуғулланаётган киши ўз фаолиятини кенгайтиришга, янги иш ўринлари очишга интилади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир оиланинг даромад манбаи, оилавий тўкислигининг мустаҳкам асосини таъминлайди.

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ** тайёрлади.

«XXI ASR»
2012 йил 8 март,
пайшанба,
10 (434)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



**ЎТГАН ЙИЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИГА АЖРАТИЛГАН** кредитлар миқдори **2010** йилга нисбатан **1,5** баробарга ўсиб, **4** трлн. **41** млрд. сўмни ташкил этди. Шу билан бирга қишлоқ жойларида кўрсатилган микромолиявий хизматлар **2010** йилга нисбатан **1,8** баробарга ўсганлиги ва **54,1** млрд. сўмдан ошганлиги ҳам эътиборга моликдир.

# Сайловчи ишончини ким суиистеъмол қилаяпти?

## ЗАФАРОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИ, ЎЗХДП АЪЗОСИ АБДУҲОШИМ АЛИҚУЛОВ ДИҚҚАТИГА!

**Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ,**
**Сайёра БЎРОНОВА,**
«XXI ASR» мухбирлари

Ўтган ҳафта ЎзХДП нашрида эълон қилинган «Мақсадга эришиш учун қатъият ва амалий ҳаракат зарур» мақоласи билан танишиб, халқ депутатлари Зафаробод туман кенгашида яққол устунликка эга бўлган мазкур партия фаолларининг коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига эътиборсизлик қилаётганлари ёдимизга тушди.

Бир қарашда ушбу мақоланинг Зафаробод туманидаги ҳолатлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқдек. Аммо масалага чуқурроқ ёндашсак, мазкур чиқиш яна бир бор ХДПнинг жойлардаги фаолияти билан баландпарвоз фикрлари ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини кўрсатиб турибди.

Мақолада ЎзХДПнинг ғояси ва мақсади аниқ бўлиб, у жамиятнинг долзарб масалаларига қаратилгани таъкидланади: **«ЎзХДП либерал-демократларнинг ишсизликни бартараф этишга оид бугунги қарашлари билан ҳам тўла келиша олмайди. Масалан, бандлик масаласини улар ўйлагандек, фақатгина тадбиркорлик орқали оқилона ҳал этиб бўлмайди.**

**ЎзХДП бунинг имкони йўқ, деб ҳисоблайди».**

Партия фаоллари имкон йўқ, деганда нималарни назарда тутаётганларини билмадигу, аммо бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган минг-минглаб иш ўринлари асосан тадбиркорлик тузилмалари, қишлоққа саноатни олиб кираётган қишлоқ мулкдорлари томонидан яратилаётганини инкор этиш ислоҳотлар натижасида пайдо бўлган ўрта синф фаолиятидан мутлақо хабарсиз кишининг сўзларини эслатади, холос. Хўш, ХДПнинг ўзи ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида ишсизликни бартараф этишнинг қандай муқобил йўлларини таклиф этмоқда? Афсуски, бу саволга мазкур партия фаолларидан жавоб олиш бирмунча мушкул эканини ХДПнинг кейинги йиллардаги фаолиятидан хоҳлаганча мисоллар келтириш мумкин.

**Мақоладаги «Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда, барқарор иш жойлари яратишни рағбатлантириш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бўлиши лозим»,** деган фикрлар эса балки ХДП ҳақиқатан ҳам жойларда юз бераётган ўзгаришлардан, модернизациялаш жараёнлари ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун давлат бюджетидан миллиардлаб маблағ ажратилаётганидан хабарсиздир, деган хулосани ҳам келтириб чиқаради. Чунки **«муҳим вазифалардан бўлиши лозим»**лигига алоҳида урғу бераётган ХДПнинг бу вазифалар аллақачон амалиётда ўз аксини топаётганини кўриб кўрмаганга олиши чиндан ҳам ажабланарлидир. Эътибор беринг: 2012 йилда биргина Фарғона вилоятида 3 триллион 574 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бунда мутахассислар хусусий секторнинг улуши 60 фоизни ташкил этишини таъкидлаяптилар. 60 фоиз бу – 2 триллион сўм атрофидаги маҳсулот тадбиркорлар, хусусий сектор эгалари томонидан ишлаб чиқарилади, деганидир. Бу рақамлар ХДП айтаётган «имкон»га оз бўлсада мисол бўлиши мумкинми?

Андижонда эса 2012 йилда хусусий секторга 260 миллиард сўм кредит ажратилиши режалаштирилгани айтилмоқда. Бу эртага ана шу маблағ эвазига турли ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилади, ҳудудда савдо-саноат ва маиший хизмат ривожланади, минг-минглаб юртдошларимиз муқим иш жойига эга бўладилар, улар учун меҳнат дафтарчаси очилади, энг асосийси, уларнинг тилда эмас, амалда ижтимоий муҳофазаси таъминланади, деганидир. Бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тадбиркорликнинг ролини кўрсатмаяптими? Агар мақоладаги фикрлар кечагина ХДПга аъзо бўлган ғўргина йигитча томонидан айтилганида ҳам узрли бўларди. Аммо...

Энди мақоланинг Зафаробод туманидаги эътиборсизликларга боғлиқлигига тўхталсак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бандлик масаласини ҳал этишга эса ниҳоятда катта масъулият билан ёндашилмоқда. Ёшларни – коллеж, лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш мутасадди ташкилотлар томонидан алоҳида назоратга олинган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, айни пайтда вилоятда 75 та коллеж ва 4 та лицей бўлиб, 2012 йилда уларни 20 мингдан ортиқ йигит-қиз битириб чиқади. Маълумотларга қараганда, айни пайтда коллеж, лицей, иш берувчи корхона-ташкилотлар ва битирувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар имзолаш, ҳар бир битирувчини доимий иш билан таъминлаш вилоят ҳокимлиги томонидан доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Бироқ Зафарободда бўлганимизда **«либерал-демократларнинг ишсизликни бартараф этишга оид бугунги қарашлари билан келиша»** олмаётган ХДП фаоллари маҳаллий кенгашда кўпчиликни ташкил этганлари ҳолда бу масалага лоқайд муносабатда бўлаётганларига гувоҳ бўлдик. 2012 йили тумандаги 3 та касб-ҳунар коллежини 461 нафар йигит-қиз тамомлайди. Демак, ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш Зафаробод тумани учун ҳам долзарб масаладир. Биз Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи мисолида 2011 йилда битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи қай даражада ҳал этилгани билан қизиқдик.

Коллеж директорининг касбий таълим ишлари бўйича ўринбосари Икром Бахтиёров тақдим этган ҳужжатлар билан танишиб, айрим шартномаларда ноаниқликлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Зарнигор Жиянбоеванинг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ш.Каттабеков имзоси билан ишга қабул қилингани тўғрисида буйруқ чиқарилган-у, аммо ҳужжатга ташкилот муҳри босилмаган. Яна бир битирувчи – Ш.Бўронов ҳам қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига мавсумий ишга қабул қилинган бўлса-да, негадир унга меҳнат дафтарчаси очилмаган. У.Бекбоеванинг эса 2011 йилнинг 4 майида "Кабутарли сой" фермер хўжалигига ишга қабул қилингани тўғрисида буйруқ чиқарилган-у, буйруқда фермер хўжалиги раҳбарининг имзоси қўйилмаган. Энг қизиғи, орадан 8 кун ўтиб, яъни 12 майда У.Бекбоева туман "Сув оқава" корхонаси билан уч томонлама шартнома имзолаган. С.Жавлонова ҳам айнан «Кабутарли сой» фермер хўжалиги раҳбари буйруғини коллеж раҳбариятига тақдим этган-у, уч томонлама шартномани негадир туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан имзолаган.

Шу ўринда **«Иқтисодиётда банд бўлмаган аҳоли, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш»**га кўмаклашиш асосий вазифамиз, дея бонг ураётган Халқ демократик партиясининг фаол аъзоларидан бири раҳбарлик қилаётган туманда ёшларни иш билан таъминлашга бу даражада эътиборсиз қаралаётганидан **«Мақсадга эришиш учун қатъият ва амалий ҳаракат зарур»** мақоласи муаллифининг хабари бормикин? Ҳеч бўлмаса, сайловларда сўзамолликлари билан сайловчи ишончини қозонган депутатлар буни билишармикин?

Зеро, яқиндагина халқ депутатлари Зафаробод туман кенгашида ХДПдан сайланган депутатлар яққол устунликка эга эканликлари ифтихор билан тилга олинган эди-ку!

Маълумотларга қараганда, 2011 йилда туманда "Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури" қабул қилиниб, унда белгиланган 1548 та ўрнига 1555 та иш ўрни яратилган. Аммо Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг айрим битирувчиларини иш билан таъминлашда андак эътиборсизликка йўл қўйилганидан кимдир хулоса чиқариши керакми?

Ваҳоланки, **«бандлик масаласини ... тадбиркорлик орқали оқилона ҳал этиб бўлмайди»** каби тагзаминсиз хулосалардан нарига ўтмаётганлар ҳеч бўлмаса бир туман мисолида ўзларини кўрсатишлари мумкин эди-ку!

Биз эртагаёқ ХДП нашрида биттагина коллежда йўл қўйилган «арзимас» хато ва бунга эътибор қаратмаган маҳаллий кенгаш депутатлари учун бутун бир партия фаолиятига баҳо бериш тўғри эмаслиги ҳақидаги иддаолар янграшини ҳам сезиб турибмиз. Аммо, бизнингча, сиёсий фаолиятдаги камчиликнинг каттакичиги бўлмайди. Агар биргина талаба ҳам яратиб берилган қулайликлардан фойдалана олмаган экан, бу ўша ҳудудда жамоатчилик назорати ўрнатилмаганини, депутат эса депутатлигини унутганини, сайлов даврида ўша талабанинг ота-онаси ишончини қозонган партия фаолининг ўз ваъдасига вафо қилмаётганини кўрсатади. Бу эса эртага худди шундай эътиборсизликнинг бошқа ҳудудларда ҳам урчишига олиб келади. Зеро, бу ҳолат туманда бошқа сиёсий партиялар фаолиятининг ҳам талаб даражасида эмаслигидан далолатдир.

Сиёсий таълим

# Фаоллик мезони

## ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЗИММАСИГА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЯЁТГАН БУГУНГИ ШАРОИТДА СИЁСИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА

**Жамила САЙФИДДИНОВА,**
O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» раҳбари

Шу боисдан O'zLiDeP мазкур тузилма фаолиятини янада мустаҳкамлаш орқали ўз ғоя ва мақсадларини амалиётга татбиқ этувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ўтган йили вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида марказ томонидан ўтказилган ўқув-семинарларда Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини батафсил очиб берувчи сиёсий ўқувлар ташкил этилди.

**2011 ЙИЛ ВИЛОЯТНИНГ БАРЧА ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДА МАРКАЗ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАРДА АСОСАН ЮРТБОШИМИЗНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»НИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ БАТАФСИЛ ОЧИБ БЕРУВЧИ СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Марказ жойлардаги фаолларни бугунги соғлом рақобат муҳитига кириша оладиган, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларга эга етук кадрлар тайёрлашга асосий эътиборни қаратмоқда. Сиёсий таълим маркази томонидан ўтказилаётган семинар-тренинглар ва сиёсий ўқувларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олим ҳамда мутахассислар жалб этилгани улар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Бундан ташқари, ўқувларимизда маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг фаолияти юзасидан ахборотлар тинглаш ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликдаги ўқув семинарларда банк, солиқ ва божхона идоралари масъул ходимлари ҳам иштирок этиб, амалдаги қонунчилик ҳамда қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида маълумот бермоқдалар. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини либераллаштириш асослари», «Ягона солиқ тўлови ставкасининг камайтирилиши хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтириш бўйича преференциялар» каби мавзуларда ташкил этилган семинарлар бунга мисол бўла олади.

Сиёсий ўқувларда Самарқанд шаҳри, Ургут, Оқдарё, Пайариқ, Нарпай, Иштихон ва Булунғур туманлари депутат ва электорат вакиллари фаол иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳри депутатлик гуруҳи раҳбари Саидаҳмад Усмонов, партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Фармон Очилов ҳамда аппарат раҳбари Фармон Розиқов, депутат Бахтиёр Хўжаёровлар сиёсий ўқувларимизнинг доимий иштирокчиси сифатида ўз ташаббус ва таклифлари билан бошқа сафдошларимизга ўрнак бўлаяптилар.

Айни пайтда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарининг мазмун-моҳиятини электоратимиз, кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилаяпмиз. Мазкур асарда мустақиллик арафасида жамиятимиз ҳаётида кечган воқеа-ҳодисалар ҳаққоний акс эттирилиши билан бирга одамларга ер ва мулк ажратиш, фуқароларнинг бу борадаги манфаат ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, мулкка эгалик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу асар мустақиллик остонасидаёқ мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари, хусусий мулк эгалари, мулкдорлар қатламини юзага келтириш учун ниҳоятда муҳим қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда Юртбошимизнинг мазкур асари ва 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузасини чуқур ўрганишга бағишланган ўқув-амалий машғулотлар сонини кўпайтириб, уларга барча даражадаги партия фаолларини жалб этаяпмиз. 2012 йилнинг мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши эса зиммамиздаги масъулиятни ошириб, фаолиятимизни аниқ йўналишлар асосида белгилашни тақозо этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини оширишни талаб этади. Бу эса сиёсий партияларнинг асосий таянчи бўлган Сиёсий таълим тизимининг муҳим аҳамиятидан далолат беради.

**Сўранг, жавоб берамиз!**

## ЯНГИ МАШИНА ҲАМ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛАДИ

**«Яқинда янги автомобиль сотиб олдим. Барча ҳужжатлар расмийлаштирилгач, уни техник кўрикдан ўтказиш лозимлигини айтишди. Унинг техник созлиги завод томонидан кафолатланган-ку? Умуман, техник кўрикдан ўтиш учун қаерга мурожаат қилиш керак? Бунинг учун қанча ҳақ тўланади?**

Р.ДЕҲҚОНОВ,
Тошкент шаҳри».

– Янги сотиб олинган транспорт воситаси ДЙҲХХ томонидан техник кўрикдан ўтказилганидан кейингина унга тегишли давлат рақами белгиси ҳамда қайд этиш гувоҳномаси берилади, – дейди Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ж.КАРИМОВ. – Пойтахтда яшовчи автомобиль эгалари транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ қошида фаолият кўрсатадиган, тегишли туманларга бириктирилган 3 та диагностика марказига мурожаат қилишлари мумкин. Улар Чилонзор, Юнусобод ва Миробод туманларида жойлашган бўлиб, бу ерда кунига ўртача 150-250 та транспорт воситаси техник кўрикдан ўтказилмоқда. Ушбу хизмат учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

Аёллар қаноти

# Масъулият ҳисси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»

Натижада умумхирмонга 160 минг тонна пахта хом ашёси, 62 тонна ғалла кам топширилган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳар томонлама таҳлил этилиши лозим. Айниқса, асосий эътиборни Ўзбекистон иқлим шароитига мослашган янги навлардан унумли фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни жорий этишга қаратиш талаб этилади.

– Ўтган йиллар давомида вилоятимизда фермерлик ҳаракати тўлиқ шаклланиб, хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш механизми яратилди, – деди давра суҳбатида вилоят Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Тўлқин Тўраев. – Эндиликда олдимизда турган долзарб масалалардан бири ихтисослашган фермер хўжаликларини шакллантириш орқали мўл-кўл пахта, ғалла ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишдан иборатдир.

Йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова сўзга чиқиб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда жойлардаги партия аъзолари, хусусан, O`zLiDeP аъзоси бўлган хотин-қизлар фаоллик кўрсатишлари, айниқса, "Аёллар қаноти" раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутат аёлларнинг ташаббускорлиги муҳим эканини таъкидлади.

– Биринчи навбатда фермер хўжаликларига етакчилик қилаётган сафдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз лозим, – деди М.Акрамова. – Қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни кенг жалб қилиш учун замонавий агротехнологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштиришга амалий кўмак беришимиз зарур.

Давра суҳбатида Тошкент вилоят партия ташкилотида 11 минг нафардан зиёд партия аъзоси ҳисобда тургани, шундан 40 фоиздан кўпроғини аёллар ташкил этаётгани алоҳида таъкидланди. Уларнинг сиёсий билимларини ошириш ва етакчи аёллар захираси таркибига киритиш, хотин-қизларнинг бандлик борасидаги фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тадбир

# КИЧИК БИЗНЕСГА 4,5 ТРИЛЛИОН, ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ЭСА 100 ТА УЙ

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА БАНК МУАССАСАЛАРИНИНГ РОЛИ МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Республика Марказий банки томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда қайд этилганидек, кейинги йилларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Жумладан, ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес соҳасига ажратилган кредитлар миқдори 2010 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсиб, 4 трлн. 41 млрд. сўмни ташкил этди. Шу билан бирга қишлоқ жойларида кўрсатилган микромолиявий хизматлар 2010 йилга нисбатан 1,8 баробарга ўсганлиги ва 54,1 млрд. сўмдан ошганлиги ҳам эътиборга моликдир.**

**«Мустаҳкам оила йили»да эса кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 4,5 трлн. сўм миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, тижорат банклари қошидаги махсус жамғарма ҳисобидан ажратиладиган 40 млрд. сўмдан ортиқ кредит сармоялари тадбиркорлик субъектларининг юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, меҳнат ресурслари зич жойлашган туман ва шаҳарлардаги кичик корхоналар, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш учун йўналтирилади.**

**Ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, жумладан, уй-жой билан таъминлаш учун 2012-2013 йиллар мобайнида тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 100 та 48 хонадонли уй-жой қурилиши кўзда тутилаётир. Энг муҳими, ушбу замонавий уйларга эга бўлиш учун тегишли ипотека кредитлари 15 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган фоизда тақдим этилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари Ш. Ҳайдаров ва бошқа мутасадди ходимлар иштирок этган тадбир якунида журналистларнинг саволларига тегишли жавоблар қайтарилди.**

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга • «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасининг махсус иловаси

# Бошланғич партия ташкилотларида

| Пайшанба | 2012 ЙИЛ 8 МАРТ, 10 (434)-СОН | WWW.21ASR.UZ
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

## Нуқтаи назар

**— СИЗ ЎЗИНГИЗ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН ҲУДУДДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚОНИҚАРЛИ БАҲОЛАЙ ОЛАСИЗМИ? БПТЛАР ИШИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН АСОСАН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?**



**Раҳматилла КАРИМОВ,**
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

— Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қандай сиёсий-ижтимоий тузилманинг асоси ва таянчи ҳисобланади. O'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши тизимида 94 та БПТ бўлиб, уларнинг 53 фоизини тадбиркорлик субъектлари, 14 фоизини тумандаги маҳаллаларда тузилган БПТлар ташкил этади. Эътироф этиш керак, туман кенгаши эришаётган барча ютуқлар юз фоиз БПТ фаолларининг меҳнати натижасидир.

Албатта, БПТлар орасида номигагина иш юритаётганлари ҳам бор. Улар фаоллигини ошириш учун эса туман кенгаши томонидан БПТлар таркибидаги партия аъзолари учун доимий семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш кераккa ўхшайди.

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва туман партия ташкилоти раҳбари сифатида бошланғич ташкилотлар фаолиятини қониқарли, дея баҳолаш учун асослар етарли, деб ўйлайман.



**Равшан АСҚАРОВ,**
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

— Бошланғич ташкилотларнинг мавжуд ҳолатига эътибор қаратсак, кейинги йилларда улар фаолиятида жиддий жонланишлар кузатилганини сезиш қийин эмас.

Лекин шу билан бирга БПТлар фаолиятини жиддий қайта кўриб чиқишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Чунки айрим бошланғич ташкилотлар қониқарсиз фаолият юритаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундан ташқари БПТлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларнинг ҳудудий (вилоят, шаҳар ва туман) кенгашлари ўтказаётган тадбирлардаги иштирокига эътибор бериш, уларни кўргазмали воситалар билан таъминлаб бориш, йил якуни бўйича ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилишини мувофиқлаштириш, «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» каби номинацияларни ташкил этиш ҳамда жойларда янги партия аъзоларини қабул қилишда O'zLiDeP имиджини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш орқали сиёсий фаол фуқароларни партия сафларига кенг жалб қилиш мумкин.

Муносабат

## Қуйи бўғинга эътибор кучайтирилиши керак

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ ЭЛЕКТРОН АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ (ЭАТС) ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»



— Бундай тадбирлар ходимларнинг ўзаро муносабатларидаги илиқлик, жамоада жипсликни сақлашда катта аҳамиятга эга, – дейди БПТ раиси, O'zLiDeP Сергели туман кенгаши раиси ўринбосари Ойгул Сатторова. – Қолаверса, ишчи-хизматчиларимизнинг аксарияти аёллар. Шу баҳона опа-сингилларимизни қутлаб, улар фаолиятига муваффақиятлар тиладик.

Айни пайтда корхонанинг 64 нафар малакали ходими 22 мингдан зиёд мижозга замонавий телефон алоқаси ва Интернет хизмати кўрсатиб келмоқда. Жамоада дўстона муҳит ҳукмрон. Ҳамма ўз зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқда.

— Корхонамиз фаолиятида бошланғич ташкилотнинг ўрни алоҳида, – дейди Ойгул опа. – Ходимлар бошини қовуштиришда, уларнинг сиёсий қарашларида якдилликни таъминлашда ҳам O'zLiDeP ғояси асос бўлиб хизмат қилаяпти. Ҳозирда ишчи-хизматчиларимизнинг 20 нафари БПТ аъзоларидир...

Ойгул Сатторова таъкидлаганидек, жамоа ходимлари иштирокида тез-тез маърифий-маънавий тадбирлар ўтказиб турилади. Диний экстремизм, ақидапарастлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик ва ОИТСга қарши курашга бағишланган маърифий кечалар ишчи-хизматчиларнинг вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилаяпти. Жамоада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирлар ЭАТС ходимларининг сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини бойитиш, мафкуравий қарашларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Фарида Шодиева, Муқаддас Мининбаева, Мирвоҳид Мирзабоев ва Фотима Фатхуллина кабиларнинг номларини нафақат алоқачилар, балки партиянинг туман ва шаҳар кенгаши мутасаддилари ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

...Аёллар байрамига халақит бермай, Ойгул опа ҳамроҳлигида БПТ хонасини кўздан кечирамиз. Бу ерда сиёсий-мафкуравий фаолият учун барча шароит яратилган. Юртбошимиз асарлари, O'zLiDeP фаолияти ҳамда сиёсатшуносликка оид илмий-оммабоп адабиётлар, ижтимоий-сиёсий, марказий нашрлар батартиб ўрин олган.

— БПТ фаолиятини йўлга қўйишда O'zLiDeP Сергели туман кенгаши билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераётир, – дейди БПТ етакчиси. – Аввало, Юртбошимиз Концепцияси, партия дастури ва Устави биз учун дастуриламал вазифасини ўтаётир. Айниқса, партия Уставида таъкидланганидек, бошланғич ташкилот партиянинг асосий бўғини ҳисобланиб, у аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита алоқада иш юритиш ва уларга таъсир кўрсатиш имконига эга бўлган асосий тузилма экани аъзоларимизни фаоллик ва ташаббускорликка чорлайди. Масалан, БПТ аъзолари алоқачилар ўртасида партия имижини юксалтириш, ўз навбатида маслакдошларнинг муаммо ва таклифларига ўз ваколатлари доирасида ечим топиш, улар манфаатини ифодалашни асосий мақсадлардан бири, деб ҳисоблайди. Агар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизнинг ҳар бир соҳа ҳамда йўналишидаги бошланғич ташкилотлар кўнгилдагидек иш олиб борса, деярли бутун мамлакатнинг онгли инсонларини ўз атрофимизга уюштириб, уларни ғояларимиз самарадорлигига ишонтира олган, пировардида эса юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўлардик.

> **БПТ РАИСИНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА,**
> ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИДА ЮТУҚЛАР БИЛАН БИРГА КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ МАВЖУД. МАСАЛАН, ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНГА ЭЪТИБОРИ ҲАР ДОИМ ҲАМ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС. «ЮҚОРИ БЎҒИН»ДАГИ ПАРТИЯВИЙ ТАДБИРЛАР, ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛИКЛАР МОҲИЯТИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАЯНЧ БЎҒИНЛАРГА ЕТКАЗИЛМАЯПТИ.

БПТ раисининг таъкидлашича, ташкилот фаолиятида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, юқори партия ташкилотларининг қуйи бўғинга эътибори ҳар доим ҳам талаб даражасида эмас. «Юқори бўғин»даги партиявий тадбирлар, ўзгариш ва янгиликлар моҳияти ўз вақтида таянч бўғинларга етказилмаяпти.

Бундан ташқари, қуйи бўғинларнинг ўқув қўлланмалари, кўргазмали воситалар билан таъминланиши ҳам талаб даражасида эмас. Агар ана шундай муаммолар ҳал этилса, фаолиятимиз бирмунча яхшиланган бўларди.

Масъулият

## *Аёл тадбиркор бўлса...*

НОДИРА БОЙНАЗАРОВАНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ҚЎЛ УРГАНИГА БУ ЙИЛ 10 ЙИЛ ТЎЛАДИ. 1964 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН НОДИРА ҚАРШИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНИДАН КЕЙИН МАЗКУР СОҲАНИНГ СИР-АСРОРЛАРИНИ ЎРГАНДИ. АЙНИ ПАЙТДА У «БЕШБУЛОҚ» ИССИҚ НОН КОРХОНАСИ РАҲБАРИ, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДЕҲҚОНОБОД ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ СИФАТИДА АСТОЙДИЛ ИЗЛАНМОҚДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»





Тадбиркорлик фаолиятини 2002 йилда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаган Нодира кейинчалик макарон, нон, қолипли нон тайёрлашни йўлга қўйди. Айни пайтда корхонада бир ойда 14 тонна қолипли нон, 4 тонна оби нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Дастлаб 6 миллион, 2010 йилда эса 45 млн. сўм миқдоридаги банк кредити ҳисобига хориждан замонавий ускуналар ва печь келтириб, ўз фаолиятини кенгайтирган Н.Бойназарова 16 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади. Бугун малакали мутахассислар БПТ аъзоси сифатида бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Шу ўринда Нодира Бойназарованинг туманда биринчилардан бўлиб O'zLiDePга аъзо бўлганини таъкидлаш жоиз. Ташаббускорлиги, ташкилотчилиги боис у халқ депутатлари Деҳқонобод туман кенгаши депутатлигига ҳам сайланди.

— Ҳар бир фуқаро жамиятдаги ҳаётий муаммоларни бартараф этишда фаол иштирок этиши, ўз иқтидорини ишга солган ҳолда ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим, – дейди Нодира Бойназарова. – Биз эса ўз навбатида одамларни, айниқса, ёшларни тадбиркорликка йўналтириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашда фаоллик кўрсатишимиз лозим. Шунинг учун ҳам тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан янги-янги таклифлар билан чиқаяпмиз. Масалан, момоларимиздан мерос бўлган гиламчиликни ривожлантирсак, юзлаб аёллар ўзларига мос машғулот ва даромад манбаига эга бўладилар. Деҳқонободнинг Хожари, Чумчуққўз, Қоқма гиламлари нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам машҳур. Фақат тўқишни йўлга қўйиб, харидорини топишимиз керак. Бир сўз билан айтганда, ташаббускорлик қуйидан бошланмоғи лозим. Афсуски, туманимиздаги айрим партия фаоллари ва бошланғич ташкилотлар бу борада етарли даражада фаолият олиб бормаяптилар. Улар ишини жонлантириш учун туман кенгаши фаолиятини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Н.Бойназарова "Мустаҳкам оила йили"да ўтказилаётган қатор тадбирларда ҳам хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, муносиб меҳнат шароити яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш борасидаги долзарб масалаларга оид маърузалари билан кўпчилик эътиборини қозонмоқда. Интеллектуал қобилиятни мақсадли йўналтириш, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш борасида O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам унинг иштироки катта.

— Бугун вилоятда ишлаб чиқаришнинг қай бир жабҳасига қараманг, фидойи, қалби тоза, оқила хотин-қизларимиз меҳнати борлиги яққол намоён бўлади, – дейди у. – Улар партиямиз фаоллари, вилоят ва туман кенгаши депутатлари сифатида аҳолининг турмуш фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида фаолият юритмоқдалар. Зеро, бугунги кунда хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оналик ва болаликни ҳимоялаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалага айланди.

Бу борада бизга Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бошланғич ташкилотимиз фаоллари маҳаллаларда бўлиб, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаяптилар. Оилада чорва, парранда боқиш, лалмикор майдонларда экинлар экиш, гилам тўқиш ёки каштачилик билан шуғулланиб, даромад топиш мумкинлигини она-момоларимиз исботлашган. Биз уларнинг анъаналарини давом эттириб, ўз қобилиятимиз орқали рўзғорларимизга барака киритишимиз лозим. Зеро, аёл тадбиркор бўлган жойда турмуш янада фаровонлашади.



«XXI ASR»
2012 йил 8 март,
пайшанба,
10 (434)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*мунис онахонларимиз,
азиз опа-сингилларимизни
жаннатмакон юртимизга
баҳор тароватини
олиб кирган 8 март —
Халқаро хотин-қизлар
куни билан самимий
муборакбод этади.
Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
хуш кайфият,
оилавий бахт-саодат ва
хотиржамлик тилайди.*





XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 4066. Тираж: 20 174
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, Ш.ХЎЖАЕВ.